O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Миллий тиклaниш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

2006-yil, 1-noyabr, chorshanba, 44 (374)-son.

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

27 октябрда Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги кенг нишонланди.

КЎҲНА ШАҲАРНИНГ ТЎЙИ

Жаҳон цивилизацияси тарихида бетакрор ўрни бор, дунёни ҳайратга солган улуғ-улуғ сиймолар, азиз авлиёлар, буюк мутафаккирларни вояга етказган, кўҳна ўтмишда Боло, Нашеболо, Никшапа, Нахшаб, Насаф номи билан аталган Қарши шаҳри шодиёналар қучоғида. Шаҳарнинг 2700 йиллик тўйи буюк шахс, йирик давлат арбоби соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг 670 йиллик таваллуд айёми билан бирга нишонлангани ҳам дилларга завқ-шавқ, ғурур бахш этди.

Тарихий маълумотларда айтилишича, бунёдкорлик салоҳиятини дунёга намоён этган Амир Темур кенг ободончилик ва бунёдкорлик ишларини биринчи маротаба Қарши шаҳридан бошлаган. Унинг болалиги ва таҳсил олиши ҳам шу шаҳарда кечган.

Кўҳна ва навқирон Қаршининг тўйи дунё миқёсида муносиб нишонлангани — шундай мунаввар кунларга Истиқлолимиз туфайли эришганимиздан далолат бериб турибди. Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Самарқанд, Марғилон каби жаҳон тамаддунида ўзига хос ўрни бўлган шаҳарларимизнинг тарихи бўй-басти билан тикланиши, ЮНЕСКО эътирофида қутлуғ саналари нишонланиши Ватанимизнинг янги тарихи асосчиси Президентимиз Ислом Каримов номи билан чамбарчас боғлиқдир.

(Давоми. 2-бетда).

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Қашқадарё вилоят Яккабоғ туман кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар тарбиясида оиланинг ўрни» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилоят Мирзачўл туман кенгаши ташаббуси билан «Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва унда Президент фармонларининг аҳамияти» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилоят Ғузор туман кенгаши томонидан «Жамият тараққиётида хотин-қизларнинг роли» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Марказий кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон радиосида Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида ЎзМТДП томонидан олиб борилаётган ишлар хусусида партия Марказий кенгаши аъзоси Дилбар Раҳмонова билан суҳбат ташкил этилди.

* * *

Партиянинг Термиз туман кенгаши томонидан Президентимизнинг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Қарори асосида йиғилиш бўлиб ўтди.

* * *

ЎзМТДП Пайариқ туман кенгаши ташаббуси билан «Ёшлар онгини заҳарловчи мафкуравий хатарларга қарши» мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

* * *

Партиянинг Учқўрғон туман кенгаши томонидан «Ўзбек тилим — жону дилим» мавзуида шеърият кечаси ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгашида «Миллий тиклаиш» демократик партиясидан вилоят кенгашига сайланган депутатлар ва депутатлик гуруҳи иштирокида Президентимизнинг 2006 йил 25 августдаги Қарори юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Партия ҳаёти

ҲОМИЙЛИК ХАЛҚИМИЗНИНГ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТИ

Ҳомийлик халқимизнинг азалий урф -одатларидан ҳисобланади. Қадимда ҳам аждодларимиз мурувватли, саховатли, сахий бўлганлиги тарихдан маълум. Ўзига тўқ, иқтисодий жиҳатдан бақувват юртдошларимиз кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга ёрдам бериб келишган. Бир сўз билан айтганда, ўтмишда ҳам халқимиз жамиятда адолат бўлишига ҳаракат қилишган.

Мамлакатимиз Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Президентимиз 2006 йилни "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" деб эълон қилиб, ҳомийлик ҳаракати, ҳомийларнинг мавқеи ва мақомини кучайтириш, бу масаланинг қонуний базасини яратиш, бундай беғараз ва олижаноб интилишлар жамиятимизда муносиб ўрин олиши учун кенг жамоатчилик фикрини шакллантириш зарурлигига алоҳида эътибор қаратган эди.

Мазкур масала юзасидан қабул қилинган мамлакатимиз раҳбарининг Қарорига мувофиқ ҳукуматимиз томонидан "Ҳомийлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси тайёрланиб, депутатлар муҳокамасига киритилди. Қонун лойиҳаси ҳомийлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосларини белгилашга йўналтирилган бўлиб, унда давлат ҳокимияти, бошқарув органлари томонидан ҳомийлик фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг мавжуд шакллари, ҳомийлик фаолиятини кенг ёйиш ва ривожлантириш мақсадларида ҳомийлик ташкилотларини ташкил этиш ва уларнинг фаолияти хусусиятлари белгиланган.

"Миллий тикланиш" демократик партиясининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партиянинг Марказий кенгаши, қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва "Маҳалла" жамғармаси ҳамкорлигида бўлиб ўтган давра суҳбатида "Ҳомийлик — қадриятлардан қонунчилик нормалари сари" мавзуси муҳокама қилинди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия Марказий кенгаши девони ходимлари, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги маҳалла оқсоқоллари, пойтахтимиздаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари ҳамда "Нуроний" жамғармаси фаоллари иштирок этишди.

Давра суҳбатида Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси Ж.Чоршанбиев "Ўзбекистонда ҳомийлик фаолиятини ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари", фракция аъзоси С.Абдуллаев "Ҳомийлик фаолияти ҳақидаги қонуннинг миллий қадриятларимиз билан уйғунлиги", "Маҳалла" жамғармаси раиси А.Аҳмедов "Маҳалла тизимида ҳомийлик анъаналари ва унинг ҳуқуқий низомлари" мавзуларида маъруза қилишди. Йиғилишда қайд этилганидек, мазкур қонуннинг қабул қилиниши ҳомийлик фаолияти тизимини ривожлантиришни таъминловчи зарур ташкилий-ҳуқуқий шароитларни ҳамда иқтисодий-молиявий механизмларни яратади.

Лойиҳани тайёрлашда хорижий давлатлар, хусусан, Россия Федерацияси, Молдова ва бошқа МДҲ давлатларининг шу соҳадаги қонунчилик тажрибалари ўрганилгани таъкидланди.

Давра суҳбати иштирокчилари кун тартибидаги масала юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Бошланғич партия ташкилотларида

ИШДА МАСЪУЛИЯТ КЕРАК

Мен аслида матбуот соҳасида ишлайман. Журналист бугунги кун нафаси билан яшаши керак. У сиёсатдан ҳам яхши хабардор бўлиши зарур. Партия вакили ҳам сиёсий ғоялар тарғиботчисидир. Партия иши орқали одамларга ёрдам беришни, халқ орасида эзгулик улашишни ният қилган сафдошларимиз қаторида эканлигимдан мамнунман. 2005 йилнинг август ойида ЎзМТДП Сурхондарё вилояти Денов туман кенгаши раислигига сайландим. Бу вазифани бажаришда ҳамиша собитлик, ҳаракатчанлик, фидойилик талаб этилади, албатта.

Партиянинг туман кенгаши ишини янада яхшилаш мақсадида биринчи ишни партия фаоллари билан кенгашиб, пухта режалар тузишдан бошладик. Дастлаб конференция ўтказилди. Масъул ўринларга партия ишини яхши биладиган кишилар сайланди. Туман кенгаши аъзолари 17 кишидан иборат эди. Аста-секин хайрихоҳлар сафи кенгайди. Жойларда бошланғич партия ташкилотларини туза бошладик. Ҳозирги пайтда уларнинг сони 23 тага етган. Одамлар орасига кириб боришда ўтказилаётган тадбирлар ҳам қўл келар экан. Жойларда юзма-юз учрашув ва мулоқотлар, суҳбатларни тез-тез, ўтказиб турамиз.

Сафдошларимиз орасида фаоллик кун сайин сезиларли даражада яхши томонга ўзгариб бораётгани қувонарли ҳол, деб ўйлайман. Туманимиздаги маҳалла фуқаролар йиғинлари фаолларининг кўпчилиги партиямизга аъзо. Аъзоларимиз орасида тожик, рус, украин, татар миллатига мансублар ҳам бор. Бу нарса ҳам миллий тотувликнинг ёрқин намунасидир.

Бир сўз билан айтганда, партия ишини янада яхшилаш учун ҳар бир туманда бошланғич партия ташкилотларини тузиш, аъзолар сафини кенгайтиришга эътибор бериш керак, деб ўйлайман. Ҳар бир ишда масъулият кераклигини унутмасак бўлди.

Хуррам РАИМОВ,
ЎзМТДП Денов туман кенгаши раиси.

Мулоҳаза

ЗИЁРАТДАН МАҚСАД НЕ?

Яратганга шукрки, истиқлол йилларида динимиз йўлида хизмат қилган ва биз авлодлар учун беқиёс илмий-адабий мерос қолдирган азиз-авлиёлар, пиру устозларнинг мақбаралари обод қилиниб, муқаддас зиёратгоҳларга айлантирилди. Бундай масканларнинг атрофида гўзал боғ-роғлар барпо этилди.

Бундан уч-тўрт ой илгари менга ҳам Ватанимизнинг қадимий шаҳарларидан бири, 2500 йиллик тарихга эга бўлган Бухорои шарифга бориш насиб этди. Бухоролик биродарларимиз бошчилигида асрлар давомида кўплаб воқеаларга гувоҳ бўлган шаҳарнинг тарихий жойларини, улуғ аллоналаримиз қабрларини имкон қадар зиёрат этишга мушарраф бўлдик. Ислом оламида номлари эзгу амаллари билан танилган Бухородаги етти пирнинг аввали — ҳазрат Абдуҳолиқ Ғиждувоний мақбарасини зиёрат қилар эканмиз, бу ернинг қанчалик гўзал қиёфа касб этганини кўриб, кўнглимиз кўтарилди.

Бу нурли масканга ҳар куни неча минглаб ватандошларимиз, чет эллик сайёҳлар ташриф буюришади. Қувонарлиси, янги ҳаёт остонасида турган бухоролик ёш келин-куёвларнинг аксарияти келажак ҳаётларини иймон ва садоқат руҳи ила суғорилишини ният қилган ҳолда, айнан мана шу муборак масканни зиёрат этишар экан. Биз ҳам худди шу каби "маросим"нинг гувоҳига айландик.

Бизлар шундай азиз жойлар зиёратига етказганига шукур қилиб, яна келиш насиб этишини Яратгандан сўраб, қайтаётган чоғимизда Қуръон тиловатидан сўнг қўзғолган келин-куёв томон куёвжўралардан бири шампан виноси тўлдирилган қадаҳларни кўтарганча шошилди. Бу ҳидоят билан жаҳолатнинг юзма-юз келишидай туюлди бизга. Энди буларнинг яхши ният билан қилган зиёратлари, келажакда саодатли ҳаёт кечиришни Аллохдан сўраб қилган дуолари қаёқда қолди?! Нахотки, улар ислом динида ичкилик ичиш гуноҳи кабиралардан саналишини билишмаса?!

Балки бундай воқеалар бошқа зиёратгоҳларда учрамас. Шунга қарамай, бу каби ҳолатларнинг олди олинмас экан, эртага юртимизга ташриф буюрувчи чет эллик сайёҳлару ўзга юртлардан ташриф буюрувчи диндошларимиз олдида мулзам бўлиб қолишимиз ҳеч гап эмас. Энг ёмони, ушбу зарарли одат «урф»га айланиб кетиши мумкин. Ахир, бугунги кунда миллий урф-одатларимиз сифатида қисман қадрланиб келинаётган, аммо динимизга ёт бўлган удумларнинг аксарияти тарих саҳнасига юқоридаги ҳолат сингари кириб келмаганмикан?

Ватанимизнинг жаннатга қиёсланиши бежиз эмас. Ислом оламининг устунлари сифатида эътироф этилувчи пири муршидларнинг аксарияти мана шу замин фарзандлари эканлиги шундан далолат беради. Бас, шундай экан, ҳар биримиз Тангри томонидан биз бандаларига берилган неъматларнинг қадрига етишимиз, улуғ аждодларимизнинг руҳи покларини сидқидилдан эъзозлашимиз лозим. Ана шундагина зиёратгоҳларда рўй бераётган юқоридаги каби салбий ҳолатлар юзага келмайди, кундалик турмушимизга сохта урф-одатларнинг суқилиб киришига тўсиқ қўйилади, деб ўйлайман.

Беҳзод ҚОДИРОВ,
Бекобод шаҳри.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси мамлакатимиз аёлларининг нуфузини ошириш, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрнини мустаҳкамлаш ва юртимизда кечаётган демократик жараёнлардаги иштирокини кучайтириш, аёл зотини эъзозлаш ва улуғлаш мақсадида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида фаолият юритаётган ижодкор журналистлар ўртасида

«БАХТИМИЗ ҚОМУСИ»

мавзуида хотин-қизлар ҳаёти, уларнинг сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий билимларини ошириш борасидаги амалий ишлар, ҳуқуқий саводхонлик ва ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш юзасидан ютуқ ва камчиликлар, эришилаётган муваффақиятлар, Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган Халқаро конвенциялар ижроси тўғрисида, Ватанимизнинг халқаро майдондаги равнақи йўлида қилинаётган ишлар ҳақида матбуот ва оммавий ахборот воситаларида ёритилган энг яхши мақола, телекўрсатув, радиоэшиттириш ва фотокўргазмалар кўрик-танловини эълон қилади.

Мазкур танловга Ўзбекистон аёлларининг сиёсий фаоллиги, орзу-интилишлари, ижодий зафарлари, ҳуқуқий тизимда самарали меҳнат қилаётган ҳамюртларимиз ҳақидаги лавҳалар, фотокўргазмалар, кўрсатув ва радиоэшиттиришлар тақдим этилади.

Кўрик-танлов ғолиблари 2007 йил 8 март Халқаро хотин-қизлар байрами арафасида эълон қилинади. Муддати 2007 йил 15 февралга қадар.

Ғолиблар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри хотин-қизлар қўмиталари мазкур кўрик-танловни алоҳида ўз ҳудудларида ўтказадилар.

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинг:
700129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Тел/факс: (998-71) 139-40-12, 139-40-42, 135-73-89, 135-74-67.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси.

«Обуна-2007»

СИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШГА ТАРАФДОРМИСИЗ?

Бу саволга Ўзбекистон манфаатини устувор билган ҳар бир фуқаро **«Ҳа!»** деб жавоб беради.

Миллий тикланиш — Ватан тараққиётининг зарурий шартидир.

Агар шундай эзгу ният Сизга ҳамроҳ бўлса, таклифимиз:

«Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлинг.

Обуна нархи мамлакатимизда чоп этиладиган марказий нашрлар ичида энг арзонидир.

Нашр кўрсаткичи — 158.

КЎҲНА ШАҲАРНИНГ ТЎЙИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қарши шаҳри. Тамомила ўзгача ҳусн ва тароватли. Маҳобатли биноларга туташ гулзору равон кўчалар. Хиёбонлар ранг-баранг байроқлару ёритгичлар билан безатилган. Ёшу қарияларнинг юзкўзларидан ифтихорни туясиз, қувончларни сезасиз. Осойишта ва обод шаҳарга байрам ёқутлар шодасидек ярашиб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 27 октябрь куни Қарши шаҳрининг 2700 йиллиги ва соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун Қашқадарёга ташриф буюрди. Юбилей муносабати билан амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Шаҳарнинг кўҳна тарихидан сўзлаб турган Кўк гумбаз, Одина, Чақар, Қўрғонча, Чармгар масжидлари, Шермуҳаммад, Шариф хўжа, Бекмир, Қиличбой, Хўжа Абдулазиз мадрасалари, Қашқадарё кўприги воҳа аҳли ва меҳмонларининг зиёратгоҳига айланди.

Замонавий лицей ва мактаблар, коллеж бинолари, спорт-соғломлаштириш иншоотлари, ўйингоҳ ва томошагоҳлар меъморчилик илмининг қўли гул усталари томонидан бунёд этилди. Қурилиш, таъмирлаш, ободончилик ишларида мамлакатимизнинг турли вилоятларидан вакиллар қатнашди. Алоҳида эътироф этиш жоизки, тарихий ёдгорлик ва обидаларга қайта жон бахшида этишдек ўта нозик ва мураккаб ишга Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қўқон ва Тошкентдан келган усталар ҳам муносиб ҳиссаларини қўшишди.

Биз билан ҳамсуҳбат бўлган қаршилик Турсунмурод ота Эгамбердиевнинг айтишича, илгарилари тарихий обидалар турар жой ва савдо шаҳобчалари билан тўсилиб кетганди. Одамлар эътиборидан четда қолган обидаларнинг атрофлари тартибсиз бир ҳолатда бўлиб, кўрганларнинг кўнгли ранжир эди. Мана бугун эса тарихий обидаларнинг ёнатрофлари очилиб, хиёбон ва сайилгоҳларга айлантирилган. Ҳамсуҳбатимиз «қаршилиқ бўлиб ўзим Қаршини танимай қолдим», — дейди ҳаяжон билан.

«Қарши шаҳрининг жаҳон цивилизацияси тарихидаги ўрни» мавзуидаги халқаро илмий конференция байрам тадбирларини бошлаб берди. Ўзбекистон Фанлар академияси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» кенгаши, Қашқадарё вилояти ҳокимлиги, ЮНЕСКО ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси томонидан ташкил этилган анжуманда Россия, Қозоғистон, Япония, Франция, Германия ва АҚШ каби ривожий мамлакатларнинг таниқли олимлари ва тарихчилари иштирок этдилар.

Анжуманда маруза қилган, қашқадарёлик қадимшунос олим, тарих фанлари доктори, профессор Рустам Сулаймоновнинг таъкидлашича, Нахшаб ўлкасининг илк пойтахти Ёркўрғон топилмалари жаҳон халқлари асотирлари ва маданиятларининг ўзаро алоқадорлиги, муштарак умуминсоний қадриятлар ривожланиш жараёнининг унсуридир. Бу Ватанимиз тарихи ҳақидаги тасаввурларимизни бойитибгина қолмай, бизнинг диёримиз инсоният тамаддунининг илк ўчоқларидан бири бўлганлиги ҳақида фикр уйғотади. Олимнинг тарихий манбаларга асосланиб айтган фикрларида қадим бешиклардан бири Марказий Осиё, унинг илк куртаклари бизнинг юртда ниш урганини англаб турибмиз. Демак, минтақамиз энг қадим замонларданоқ турли маданиятлар, диний ва дунёвий эътиқодлар бир бирига ва бошқа халқлар маданиятига ўзаро таъсир кўрсатиб, умумбашарий маданиятга муносиб ҳисса қўшган. Бу мозий зарварақларидан топилган ширин ҳақиқатлар ҳар биримизнинг ифтихорий туйғуларимизни жўшқинлантириб юборавераді.

— Болалигим «Кўк гумбаз» масжиди атрофида ўтган, — дейди Ҳамро ака Тожиев. — Шаҳримиз ва бобомиз Амир Темурнинг таваллуд айёми арафасида масжид қайта таъмирланиб, обод ва кўркам зиёратгоҳга айланди. Қирқ уч йил тикувчилик фабрикасида ишлаганман. Ақлимни таниб, то ҳозирги олтмиш беш ёшимга тўлгунимга қадар бундай шодиёнани кўрмаган эдим. Шундай хайрли ишларнинг бошида турган Президентимизга минг таъзим қиламиз.

Марказий Осиёда қиёси йўқ ёпиқ сув спорти ҳавзаси, олимпия заҳиралари спорт коллежи, енгил атлетика манежи, йигирма минг томошабинга мўлжалланган замонавий марказий стадион, хотин-қизлар спорт мажмуаси, янгидан бунёд этилган деҳқон бозори байрам иштирокчилари ва меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Қутлуғ тўй муносабати билан вилоятда сўнгги икки йил ичида кўплаб объектларда амалга оширилган қурилиш, капитал таъмирлаш ва реконструкция ишларига қарийб эллик миллиард сўм сарфланганининг ўзиёқ бажарилган ишлар кўлами нақадар улкан эканлигидан далолат бериб турибди.

Бундан бир неча йил илгари шаҳар марказидаги Мустақиллик майдони бетон билан қопланиб ётарди. Каттагина ҳудудни эгаллаган бу жойдаги ободончилик ишларидан ҳайратга тушишингиз табиий. Манзарали дарахтлар экилган майдонга кўмкўк майсалару фавворалар жило бериб турибди. Меҳнаткаш, мард ва танти Қашқадарё халқининг тимсоли бўлган «Эл-юрт таянчи» деб аталган ёдгорлик монументини Президентимиз Ислом Каримов тантанали равишда очди. Оддий ўзбек оиласи тимсолида бунёд этилган ёдгорлик монументи — ҳаётнинг оғир юкини елкасида кўтариб келаётган, ҳаёт боқийлигини таъминлайдиган инсонлар сиймосини ўзида мужассам этган гўзал обида майдонга кўрк бериб турибди.



Бобомиз Алишер Навоий номидаги марказий истироҳат боғида янгидан бунёд этилган муҳташам амфитеатрда катта байрам томошаси бошланди. Мамлакатимиз раҳбари байрам қатнашчиларини, Қарши шаҳри аҳолисини ва қашқадарёликларни табриклаб нутқ сўзлади. Юртбошимиз нутқи кўп марта гулдурос қарсаклар ва эҳтиромлар билан кутиб олинди. «Мана шундай ҳаяжонли дақиқаларда соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг юксак ғурур ва ифтихор тўла сўзларини давом эттириб шундай деган бўлардим! Кимки, бизнинг куч-қудратимизни, халқимизнинг азму шижоатини, қандай буюк ишларга қодир эканини кўрмоқчи бўлса, мана шу Қарши шаҳрида, бутун Ўзбекистонда амалга ошираётган бунёдкорлик ишларимизни келиб кўрсин». Президентимизнинг нутқидан олинган бу оташқалб сўзлар барчамизга ғурур ва ифтихор бахш этади.

ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги доимий вакили жаноб Майкл Барри Лейн тантана қатнашчиларига халқаро ташкилот бош директори Коичиро Мацуураниング табрикномасини ўқиб эшиттирди. «Нуроний» жамғармаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Январ Иноятов, Қарши Давлат университети талабаси Нилуфар Аббосхоновалар юртимиздаги миллий қадриятларимизни ва тарихий обидаларимизни тиклаш, буюк алломаларимизнинг номларини улуғлаш, Ўзбекистонимизни обод диёрга айлантириш, Қарши шаҳрининг бугунги тўйини бетакрор даражада ўтказиш ташаббускори бўлган Юртбошимизга самимий миннатдорчилик изҳор этдилар.

Мамлакатимизнинг таниқли санъаткорлари ва истеъдодли ёш ижрочилари иштирокида катта байрам концерти намойиш этилди. Қарши шаҳри тарихи ва миллий урф-одатларини ўзида ифодалаган театрлаштирилган саҳна кўринишлари, Ватанни, истиқлолни муҳаббатни тараннум этувчи қўшиқлар, дилларга бир олам қувонч бағишловчи куй ва рақслар байрам иштирокчиларда мароқли таассурот қолдирди. Байрам томошалари катта мушакбозлик билан ниҳоясига етди.

Қашқадарё вилояти ихтисослашган мактаб-интернати раҳбари, тажрибали муаллим Қулмурод Ёрқуловнинг ушбу дил сўзлари ёдимизга тушади: «Шундай мунаввар кунларга етказгани учун яратганга шукр. Она Ватанимиз доимо осойишталикда гуллаб-яшнайверсин. Байрамларга байрамлар уланаверсин».

Ўринбой КЕНЖАЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.
Муаллиф олган суратлар.

● Демократия сабоқлари

САЙЛОВНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Сайловларда жамият аъзоларининг хоҳиш-иродаси, сиёсатга қай даражада муносабат билдириши акс этади. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бу ҳуқуқ фуқароларнинг референдумларда, Президент сайловида ва ҳокимиятнинг вакиллик органлари сайловида қатнашиш орқали амалга оширилади.

Аслини олганда, сайлов давлатнинг вакиллик органларини сайлаш йўли билан юзага келувчи сиёсий тизимдир. У сайланадиган органларнинг шаклланишида иштирокчилар тамойиллари ва шартлари сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш тартибларини ўз ичига олади.

Сайлов тизимининг асосий тамойилларидан биринчиси, умумий сайлов ҳуқуқи тамойили ҳисобланади. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиш ҳуқуқига эга.

Иккинчи тенг сайлов тамойилига асосан фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар. Учинчиси, тўғридан-тўғри сайлов тамойилидир. Бунда давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тўғридан-тўғри ўтказилади. Сайловчилар ўз номзодларига ижобий ёки қарши овоз беришлари мумкин. Тўғридан-тўғри сайловларнинг ташкил этилиши сайловчиларнинг депутат билан бевосита алоқасини кучайтиради ва таъминлайди. Тўртинчи, овоз бериш тамойилига асосланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, ҳокимиятнинг вакиллик органларига сайловлар яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Бундан кўзда тутилган мақсад, сайловчининг ўз иродасини билдириш устидан назорат қилишга йўл қўймасликдир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Сайлов тўғрисидаги Қонуннинг 2-моддасида суд томонидан муомалага лаёқатсиз фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва улар сайловларда қатнашмайдилар. Сайлов қонунчилигининг асосий мақсади ишни самарали ташкил этиш, шакллантириш, сайлов жараёнларини ташкил этиш, «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисида», «Халқ депутатлари, вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунларга асосланиб иш юритилади.

Сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар номзодларининг дастурлари давлатнинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, уларда уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак. Номзод қилиб рўйхатга олинган шахс сайловчилар билан жойларда учрашувлар ўтказиш, телевидение кўрсатувлари ва радио эшиттиришларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Сайлов кунига қадар ўн саккиз ёшга тўладиган, рўйхат тузилаётган вақтида мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилиб келаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади. Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳозирги Ўзбекистон сайлов қонунчилигининг муҳим хусусиятларидан бири сайлов комиссияси жараёнида фуқаролар ташаббускор гуруҳининг ташкил этилишидир. Сайлов ҳуқуқида шу йўл билан фуқаролар ҳуқуқи сиёсий партиялар ва маҳаллий вакиллик органлари билан тенглаштирилди.

Биз юқорида сайлов жараёнида сайловчилар учун керакли бўлган пунктларга содда, тушунарли тил билан фақат уларнинг муҳим жиҳатларигагина тўхталиб ўтдик. Айрим маълумотлардан фуқароларимиз хабардор ҳам бўлишлари мумкин. Мақсадимиз уларга тушунтириш эмас, сайлов жараёнидаги янгиликлардан хабардор этишдир. Ҳар бир фуқаро ўз ҳуқуқини таниса, қонунларимизни чуқур ўрганса, улардан хабардор бўлса фойдадан холи бўлмайди.

Шероз ҲАБИЛЖОНОВ,
Тошкент Давлат юридик институти талабаси.

● Тадбир

ЁШЛАР МАРАФОНИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг Маънавият ва маърифат марказида «Ёшлар марафони» ўтказилди. Марафонда марказ қошида фаолият юритаётган «Ғоявий тарғибот», «Социологик-психологик хизмат» бўлимлари, «Ёш ижодкорлар», «Ихтирочи ёшлар», «Ёш экологлар», «Мунозара», «Медиа марказ», «Нотиқлар», «Нафосат», «Қувноқлар ва зукколар» клублари, «Ҳуқуқий маслаҳатхона», «Замонавий либослар тикиш» ўқув маркази аъзолари фаол иштирок этишди.

Марафон «аланга»сини биринчи бўлиб Тошкент Тиббиёт академиясининг талабалар турар уйларида истиқомат қилаётган талабалари "ёқиб" беришди. Марафонга актёрлар, эстрада хонандалари ҳам таклиф этилдилар. Лутфулла Саъдуллаев, Гулсанам Мамазоитовалар талабалар билан дилдан суҳбатлашишди.

Кейинги марафон Тошкент молия институтининг 1-талабалар уйида ўтказилди. У бу сафар ҳам катта тадбирга айланиб кетди. Унда Миллий академик театри актёрлари, таниқли хонандалардан Азиз Ражабий, Сардор Раҳимхон, Улуғбек Раҳматуллаев, Даврон Эргашев ҳамда «Ҳаёт» гуруҳи меҳмон бўлишди.

Марказ ташаббуси билан ҳар ҳафтанинг жума куни «Навқирон Ўзбекистон ёшлари» номли ёшлар марафони ўтказиладиган бўлди.

Зебо ЯХШИЕВА,
«Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» маркази матбуот котиби.

● Нуқтаи назар

Бугунги кунни глобаллашув жараёнисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Айнан глобаллашув оммавий тарзда ҳаётимизга сингиб, иқтисодий, сиёсий, маданий ва маънавий жабҳаларда ривожланишнинг ўсишига, салмоқли ютуқларнинг қўлга киритилишига асосий омил бўлмоқда.

ГЛОБАЛЛАШУВ:

ЗАРУРИЯТМИ ЁКИ МЎЪЖИЗА?

Хўш, глобаллашув нималарда акс этмоқда? Бу саволга жавоб излаш унчалик мушкул эмас. XXI аср тижорат, савдо ва тадбиркорлик асри ҳисобланиб, тарихда бунчалик катта миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уларни истеъмолчиларга етказиб бериш ҳали кузатилмаган. Ахборот технологияларининг юксак даражада ривожланганлиги, Интернет тизимининг қулай ва сониядаги оламшумул тезлиги нафақат давлатларнинг, балки инсонларнинг ахборотга, тезкор маълумотларга бўлган эҳтиёжини қондира олаяпти.

Инсон ўзи хоҳламаган ҳолда глобаллашув жараёнининг иштирокчисига, аниқроғи «қули»га айланмоқда. Бунда эса албатта, унинг жисмоний, моддий ва маънавий томондан иштироки талаб этилади. Айни дамда глобаллашув, биринчи навбатда, инсонларни бир-бирига боғламоқда. Бундай боғланув асосан эҳтиёждан келиб чиқади. Эҳтиёжни таъминлаш эса ҳеч қандай масофа ёки моддий йўқотишни ўзида намоён этаётгани йўқ. Масалан, Интернет тизими орқали узоқ Гвиана оролидаги аборигенлар жамоаси ўзининг миллий маҳсулоти бўлмиш тамаки ҳосилларини дунёнинг исталган нуқтасидаги бозорга етказиб бериш ишларини аъло даражада олиб бормоқда.

Яна бир ҳолат: барча қитъалардан деярли узилиб қолган, инсон қадами етмайдиган олис Питкерн оролида истиқомат қилувчи заргарлар ўзларининг соф олмосдан ясалган тақинчоқ маҳсулотларини ушбу тизим орқали япон тадбиркорларига миллионлаб АҚШ долларига пуллашмоқда. Демак, глобаллашув ер куррасини ўзининг домига олибгина қолмасдан, ундаги халқларнинг муаммоларини ҳам биргаликда ҳал қилишга ёрдам бермоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, глобаллашувни биз асосан савдо чегирмаларининг қисқартирилганлиги, молиявий эркинлаштириш ва юқори технологиялар инқилобида ҳам кузатишимиз мумкин. Айнан шу омиллар амалда барча саноати ривожланган давлатларнинг иқтисодиётини ижобий томонга ўзгартириб юборди.

Ўз навбатида глобаллашув тўлқини Осиё мамлакатларини ҳам ўз «доми»га тортмоқда. Масалан, шарқий ва жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ривожланиш поғонасидан экспортга асосланган иқтисод тизимига ўтдилар. Айнан Хитойнинг чекка ҳудудларида дунёга донғи кетган хорижий компаниялар ўзларининг шўъба корхоналарини ишга туширдилар. Натижада миллионлаб хитой халқининг фаровонлиги бирмунча яхшиланди.

Глобаллашув оқибатида иқтисодий ўсиш тезлашди, инсонлар янгидан-янги имкониятларга эга бўлдилар. Бироқ беш қўл баробар бўлмаганидек, глобаллашув инсонлар қалбида бирдек меҳр уйғота олмаяпти. Айниқса, Европа қитъасидаги аксилглобалчи (антиглобалист)ларнинг оммавий тарздаги норозиликлари бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Уларнинг фикрича, глобаллашув жараёни мамлакатдаги мавжуд аҳолини бир қанча ҳуқуқлардан маҳрум қилади. Яъни давлат ва ҳукумат раҳбарлари томонидан имзоланган савдо шартномалари уларни муайян иш жойларидан соқит қилади, бундан ташқари, янги ташкил топадиган корхоналар табиатнинг янада ифлосланишига ҳамда азон қатламининг қимёвий чиқиндилар оқибатида кенгайиб боришига олиб келади.

Демак, глобаллашув жараёни ўзида ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятларни мужассамлаштирар экан. Лекин шуни эсда тутиш жоизки, глобаллашувсиз бугунги кунни, умуман, келажагимизни тасаввур қилиб бўлмайди.

Миразиз МИРПЎЛАТОВ.

● Сиз бунга нима дейсиз?..

Кейинги пайтларда одоб-ахлоқ тушунчаси жиндек камситилгандек, назаримда. Мурувватли бўлиш, раҳмдиллилик, атрофимиздагиларнинг қалбига қулоқ солиш, уларнинг дардига малҳам бўлишдек инсоний туйғулар бироз унутилганга ўхшайди.

ТАРБИЯ ҲАЁТ-МАМОТ МАСАЛАСИ

...Баъзи ота-оналар фарзандим фақат ўз фойдасини кўзлагувчи бўлса, ҳаётда қийналмай яшайди деб ўйлашади. Албатта, болани қандай тарбиялаш ҳар кимнинг ўзига ҳавола. Бу борада биз фикр уқтириш ёинки насиҳат қилиш ниятидан йироқмиз.

Яқинда бир можаронинг гувоҳи бўлдим. Кексайган ота-она ўз фарзандлари Собирнинг ёмон муомаласи-ю, оилавий аҳволидан азият чекишаётганлигидан ҳасрат қилишди. Айтишларича, фарзандларига қўлидан келган барча яхшиликни қилишган, яъни барча шароитни муҳайё қилишган. Доим ўзингни эҳтиёт қил деб уқтиришган. Бунинг натижаси ўлароқ, Собир тайёрга айёр, ўз билганидан қолмайдиган, фақат ўз ҳаловатини ўйлаб яшайдиган худбин бўлиб ўсган.

Кўриниб турибдики, Собирнинг ҳаёти издан чиққан, худбинлиги боис ундан ҳатто дўстлари ҳам нафратланишади. Ҳозирги кунда эса у ичкиликка ружу қўйган, бу фарзандларига ҳам ёмон таъсир кўрсатмоқда.

Шу ўринда савол туғилади. Ким айбдор? Худбин бўлиб ўсган фарзандми ёки меҳрибон ота-она? Жавоб битта. Албатта, бу тарбиянинг маҳсули. Ҳеч ким вазиятнинг ёмон бўлишини истамайди, аммо гоҳида озгина эътиборсизлик сабабми ёки тушунчанинг нотўғрилиги боисми аҳволни шу даражага олиб бориб қўйганимизни ўзимиз ҳам сезмай қоламиз. Уни англаб етганда эса кеч бўлади.

Нуржаҳонбегим АВАЗОВА.

Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллиги олдидан

ЕР СИРИНИ КАШФ ЭТГАН ОЛИМ

Таниқли тарихчи, археолог, этнограф ва шарқшунос олим Сергей Павлович Толстов кўп жилдли сермазмун асарлари билан жаҳон фани ривожланишига муносиб ҳисса қўшган шахслардан бири эди. Мустаҳкам иродаси, ажойиб инсоний фазилатлари билан эл ҳурматига сазовор бўлган бу аллома ЎзФАнинг фахрий аъзоси ҳам эди.

Асли қомусчи олим бўлган Сергей Павлович нафақат ижтимоий фанлар соҳасида, балки йирик илм-фан ташкилотчиси сифатида ҳам танилган эди. У ташкил қилган машҳур Хоразм археология-этнография комплекс экспедицияси ўзининг етмиш йилдан ортиқ вақт давомида самарали фаолияти ва кашфиётлари билан Ўрта Осиё, жумладан, кўҳна Хоразм халқлари тарихи ва этнографиясини бойитиб келмоқда. 1964 йилда С.Толстовнинг «Қадимги Хоразм маданиятини излаб» номли асари ўзбек тилида чоп этилди.

Сергей Павлович 1907 йилда Санкт-Петербургда таваллуд топиб, 10-12 ёшларида ота-онадан етим қолгач, болалар уйида тарбияланади. Олим биринчи марта Хоразмга 1929 йилда Москва Давлат университетида ўқиган пайтлари ўзининг яқин дўсти, кейинчалик йирик олим бўлиб танилган этнограф Л.Потапов билан бирга келган. Археолог М.Итинанинг ёзишича, 1937 йили С.Толстов раҳбарлигида иш бошлаган Хоразм экспедицияси буюк кашфиётлар очишга муяссар бўлган. Олимнинг ўзи Амударёнинг қуйи оқимидаги бу воҳани «Ўрта Осиё Мисри» деб атаганди. Истеъдодли олим талабалик йилларидаёқ ўқишини Москва вилоят музейида ва Марказий халқшунослик музейида ишлаш билан бирга давом эттириб, дастлабки тадқиқотларини МДУ антропологик комплекс экспедицияси таркибида 1925-27 йилларда бошлаганди. Кейинги икки йил давомида унинг Волга бўйидаги бир қатор майда миллатлар этнографиясига бағишланган илмий ишлари пайдо бўлди. У 1929 йили Хоразм тарихий-этнографик экспедицияси таркибида ёвмут туркманлари ва Амударё этакларидаги кўҳна Урганч ва Хўжазли ўзбекларини ўрганиб қайтганидан кейин Волгабўйи мавзусини бир четга суриб, асосан Ўрта Осиё тарихи ва этнографиясини ўрганишга бел боғлади. Илмга беқиёс меҳр қўйган ва билим оширишга ташналик билан киришган олим 1932 йили Ленинградда Ўрта Осиё тарихи ва археологияси мутахассислиги бўйича аспирантурага киради, кўпгина республикаларда сафарларда бўлади. Унинг ўша йилларда ёзган «Илк ислом тўғрисидаги лавҳалар» номли асари ҳам муҳим тарихий аҳамиятга эга.

Маълумки, 30-йиллар қатағон даври сиёсати туфайли фан оламида жиддий тортишувлар, ғоявий тўқнашувлар юзага келди. Бундай оғир шароитда зиёлиларнинг ўз ўрни ва мавқеини аниқлаб олиши энг муҳим ҳаётий масала бўлган. Ана шу жараёнда ёш олим Сергей Павлович мустаҳкам илмий асосланган ғоявий йўналишида собит тура олган. Иккинчи жаҳон уруши йилларида СССР Фанлар Академиясининг тарих бўлими Тошкентга кўчирилган эди. Фронтдан ярадор бўлиб қайтган С.Толстов 1942 йили кейинчалик «Қадимги Хоразм» номи билан чоп этилган китобининг қўлёзмаси асосида пойтахтимизда докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Ўша йили Тошкентда Ўрта Осиё халқларининг этногенезига бағишланган илмий конференция ўтказилди. Анжуманда «Ўрта Осиё халқлари этногенези асосий муаммолари» ва «Этногенетик жараённинг Орол тугуни» масалалари бўйича ёш фан доктори С.Толстов маъруза қилди. 1956 йилда Бишкекда ўтказилган қирғиз халқи этногенезига бағишланган илмий сессияда эса у Сибирь, Марказий ва олд Осиё, Шарқий Европа, Ҳиндистон ва бошқа бир қатор ўлкалар ўртасидаги этногенетик алоқаларни шарҳлаб берди. Шуниси аҳамиятлики, ҳозиргача у кўрсатган концепция тарихий муаммоларни ҳал қилишда асос қилиб олинган. Олим ташкил қилган ва раҳбар бўлган экспедиция аъзоларининг ишлари ҳам ҳозиргача ўз тарихий қимматини сақлаб турибди. Бир неча гуруҳларга бўлиниб қатор тарихий обидаларда қизишма ишлари олиб бораётган археологлар билан бир вақтда иккиуч гуруҳ этнографлар маҳаллий элатлар ҳаётини жиддий ўрганиб, кўп томлик асарлар, монографиялар ва экспедиция материаллари асосида мақолалар ёзишди. Айниқса, экспедиция бошлиғи Сергей Толстов ва унинг муовини, атоқли этнограф олима Татьяна Джанколар самарали изланишлар олиб боришди ва у ҳақда батафсил ёзишди. С.Толстов «Қадимги Хоразм», «Қадимги Хоразм маданиятини излаб», «Окс ва Яксарт қадимий ўзанлари бўйлаб» ва бошқа 400 дан ортиқ катта-кичик асарлари, мақолалари, рисолалари билан ўлкамиз жаҳон цивилизациясининг қадимий марказларидан бири эканлигини яна бир бор исботлади.

Олимнинг кейинги асарларидаги маълумотлар йирик назарий муаммоларни ҳал қилиш, Хоразм ва Ўрта Осиё тарихини даврларга бўлишни аниқлашга асос бўлиб хизмат қилган. Айниқса, минтақада исломгача антик даврда қулдорчилик уклади мавжуд бўлганлиги тўғрисида чиқарилган хулосаларни исботлашга имконият яратган. Масалан, «Қадимги Хоразм» номли китобида қадимий ва ўрта асрлардаги уруғ-қабилачилик ташкилотлари қолдиқлари, ирригация тарихи, Хоразмдаги ҳарбий иш ва қуроллар, Греко-Бақтрия давлатларининг емирилиши, милоднинг VI асрида Сўғдиёнадаги синфий ғалаёнлар, шунингдек, диний мафкура масалалари, диннинг илк шаклларидан бошлаб тотемизм, магия(сеҳргарлик) масалалари ҳам батафсил тадқиқ қилинган. Олимнинг аксарият асарлари, яъни уларнинг уч юздан ортиғи асосан Ўрта Осиё муаммоларига бағишланганлиги билан аҳамиятли. У минтақанинг ўзига хос турмуш тарзи, урф-одат ва маросимлар моҳияти, дашт ва чорва қабилаларининг маданияти, турмуши ҳамда диний эътиқодлари, хўжалиги, меҳнат қуроллари, турар жойлари, уй жиҳозлари ва бошқа ашёлар ҳақида ҳам бирма-бир ёзади, муносабат билдиради.

Таниқли ўзбек олими, академик Яҳё Ғуломов Хоразм экспедицияси фаолиятига ва унинг раҳбари ижодига баҳо бериб шундай деб ёзган эди: «Мен кўрган йирик экспедициялар ичида Хоразм экспедициясидек интизомли, сергайрат ва ҳаракатчан экспедиция бўлмаган. У гўё илмий тадқиқот институтига ўхшарди. Шунча илмий кучга эга бўлган экспедицияда С.Толстовнинг ўзи энг оғир ишларни биринчи бўлиб бошлаб берарди». Дарҳақиқат, Сергей Павлович кашфиётларининг энг муҳим аҳамияти шундан иборатки, олим халқимизнинг узоқ ўтмишидаги номаълум бўлган бутун бир тарихий даврни қайта тиклаб, тўлиқ гавдалантириб бера олганди. Хоразм ҳудудида неолит ва бронза даврларига оид кўп сонли ибтидоий маконларнинг топилиши археология фанининг қимматини янада оширди. Кашф этилган неолит даври маконлари ичида Калтаминор маданияти алоҳида ўрин эгаллайди. Шунингдек, Тозабоғёп маданияти қазилмаларининг Сибирь ва Қозоғистонда топилган Андронов маданиятига яқинлиги мамлакатимиз халқлари ибтидоий жамоа тузуми даврларидан бери ўзаро муносабатда бўлганликларини исботлаб берди. Айниқса, кейинги йилларда олим бошчилигида топилган сак-массагет даврига оид(эрамиздан олдинги VII-V асрлар) Уйғарак ва Тагискен обидалари диққатга сазовор. Қўрғон, қабрлардан қазиб олинган буюмлардан улар Оролбўйи скиф-сармат қабилалари билан алоқада бўлганлигини билиб олиш мумкин.

Хоразмда ва Ўрта Осиёнинг бошқа ҳудудларида ибтидоий кишилар, қадимги қабилалар ва элатлар яшаганлигининг исботланиши ўша даврда сиёсий жиҳатдан ҳам катта аҳамиятга эга эди. Чунки Иккинчи Жаҳон уруши арафасида ирқий назариячилар Қрим ва Пекин ўртасидаги катта ҳудудда бир вақтлар юқори «олий» ирққа тегишли, яъни танланган оқ европа ирқи(бундай фикрларни асосан гитлерчи фашистлар ва уларнинг «илмий малайлари» тарғиб қилган) аждодларининг суяк қолдиқлари, маконлари топилиши мумкин, деб даъво қилган эдилар. С.Толстов ва бошқа археологларнинг Ўрта Осиёда олиб борган илмий тадқиқотлари бундай зарарли қарашларни пучга чиқарди.

Сергей Павловичнинг илм-фан борасида қилган катта меҳнати, жаҳон фанига қўшган ҳиссаси ҳукумат томонидан юқори баҳоланди. Унинг «Қадимги Хоразм» ва «Қадимги Хоразм маданияти изидан» номли икки йирик асари 1948 йилда чоп этилгач, I даражали Давлат мукофотига сазовор бўлди, кўпгина чет тилларига таржима қилинди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Тожикистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Ўзбекистон Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Германия ФАнинг мухбир аъзоси ҳамдир. Шунингдек, олим Буюк Британия Қироллиги Антропология институти ва бошқа кўпгина чет эл илмий ташкилотлари, марказларининг фахрий аъзоси эди. Энг муҳими, олим юртимиз тарихига ҳаққоний баҳо бериб, ўзининг Англия, Франция, Италия, Германия, Ҳиндистондаги университетлар ва илмий жамиятлар минбарларида ўқиган сермазмун маърузалари билан Ўрта Осиё халқларининг қадимги тарихи ва этнографиясини хорижликларга танитди. Умрининг кўп йилларини Ўрта Осиёнинг бепоён чўлу биёбонларида ўтказган бу инсонпарвар, олижаноб олимнинг қўлида дастлаб талаба, кейин аспирант бўлиб таҳсил олганимдан ғурурланиб юраман доим. Устоз-шогирдлик анъаналари ҳақида кўп гапирамиз. М.Ломоносов номидаги Москва Давлат университетида ўқиган йилларимда бу инсоннинг ёшларга катта меҳр билан қараганлиги келажакка бўлган ишончимни оширганди. Халқпарвар олимнинг ҳар бир иши, ажойиб инсоний фазилатлари, меҳнатсеварлиги ёшларимизга доимо намуна бўла олади.

Исо ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор.

Жамият ва қонун

ИШОНМАГИН ДЎСТИНГГА...

Эндигина 35 ёшни қоралаган Ихтиёр илгари ўзгаларнинг мулкини қасддан, яширин равишда талон-тарож қилганлиги учун судланганди. «Ўрганган кўнгил, ўртанса қўймас», деганлари рост экан. Ҳеч қанча вақт ўтмай, у яна қасддан жиноят содир этди. Энг ачинарлиси, Ихтиёр бу safar бир маҳаллада яшайдиган оғайниси, ҳатто бир партада ўтириб 10 йил бирга таълим олган синфдошининг мулкини ўғирлади.

Ички ишлар идорасига бир вақтнинг ўзида бир неча одамдан шикоят тушади. Ариза билан мурожаат этганларнинг уйидан нархи 600 минг сўмдан 800 минг сўмгача бўлган от ва қорамоллар яширин равишда ўғирланган. Энг қизиғи, жиноят 2-3 кун оралатиб содир этилган. Ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида ўғри ушланди.

Тез орада мўмай пул топиб, олди-сотди билан шуғулланишни ният қилиб қўйган Ихтиёр кечки пайт спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда кўчага чиқади. Далада боғлиқ турган, Носирга тегишли бўлган 600 минг сўмлик бир бош отни кўради. Атрофда ҳеч ким йўқ. У аввалдан ўйланган режаси асосида иш бошлайди. Ва отни яширин равишда ўғирлайди. Молни ўтказиш мақсадида олдиндан келишилган йигитларга топширади.

Эндиги навбат Турсунов билан тузилган режани бажариш эди. Икки оғайни ўзаро жиноий тил бириктириб, қўшни маҳаллада яшовчи Қўчқорнинг уйига девор орқали ошиб ўтишади. Кўз остига олган 750 минг сўмлик икки бош қорамолни ўғирлашади. Бу иш ҳам Ихтиёр учун хамирдан қил суғургандек осон кўчади. Энди у навбатдаги жиноятга қўл уради. Синфдоши Абдумаликнинг уйига яширин равишда кириб, боғлиқ турган 800 минг сўмлик бир бош отини ўғирлаб чиқади. 10 йил бир партада ўтирган дўстининг уйида ўғирлик қилиш унга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмайди, виждони ҳам қийналмайди. Ўғирлаб кетаётгани камлик қилгандек, йўл-йўлакай қўшниси Асқарнинг молхонасидан 800 минг сўмлик бир бош отини ҳам етаклаб чиқади. Ўғирланган молларни уйига келтирдию, ўша вақтнинг ўзида уларни сўйиб, гўштини Чорсу бозоридаги танишларига сотади.

Қўлга олинган Ихтиёр жиноят ишлари бўйича Янгийўл туман суди томонидан ўтказилган суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор бўлди. Ҳар safar жиноят содир этишдан аввал спиртли ичимлик истеъмол қилганини ҳам тан олди. Унинг шериги Турсунов ҳам ушланди. Сўйилган отларнинг гўшти 530 минг сўмга сотиб юборилгани аниқланди. Оғайнилар маҳалладошларига етказилган зарарнинг тўлиқ қопланишини айтиб, қилмишларидан пушаймон бўлишди. Моллари йўқолган жабрланувчилар эса «дўстлари» — Ихтиёрга нисбатан ҳеч қандай даъволари йўқлигини, жиноятчиларни кечиришганини айтиб, кўрсатма бердилар.

Охир-оқибат жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарлар қопланди. Жиноятчилар эса айбларига яраша тегишли жазо олишди. Аммо бир туманда яшовчи, ёшликдан бирга ўйнаб катта бўлган оғайнилар орасига совуқчилик тушди. Ихтиёрнинг эса дўстлари орасида юзи шувут бўлиб қолди.

Иши қоранинг юзи қора, деб шунга айтсалар керак-да...

Адибахон РАҲМАТУЛЛАЕВА.

Жаҳон хўжалиги

РИВОЖЛАНИШ ОМИЛЛАРИ

Фан-техника инқилобининг кенгайиши ва чуқурлашуви кўпчилик мамлакатларда индустриал турдан кейин шаклланган, постиндустриал деб ном олган иқтисодиётнинг мутлақо янги тури пайдо бўлишига олиб келди. У индустриалорти жамияти деб аталаётган ва хизмат кўрсатиш соҳаси, фан, таълимда етакчи ўринни эгаллайдиган корпорациялар, шунингдек, профессионал мутахассислар ишига енгиллик бераётган фан-техника инқилоби шароитида ривожланаётган янги жамиятнинг таркибий қисмидир. Шунингдек, ўз навбатида моддий ва номоддий ишлаб чиқаришлар ўртасидаги нисбатнинг номоддий ишлаб чиқариш фойдасига ўзгаришига хизмат қилади. Айниқса, тадбиркорлик ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасининг тез ривожланишига, моддий ишлаб чиқариш салмоғининг қисқаришига, фан, таълим, маданият, сайёҳлик, суғурта соҳаларининг ўсишига ва ақлий меҳнатда банд бўлган ходимларнинг кўпайишига олиб келади.

Индустриалортига, асосан, Ғарб мамлакатлари киради. Ноишлаб чиқариш соҳасида банд аҳолининг ўртача кўрсаткичи 50 фоиз бўлгани ҳолда, кўпчилик мамлакатларда у анча юқори. Биринчи ўринни АҚШ эгаллайди. Мамлакатда сўнгги 15 йилда ишлаб чиқариш соҳасида ишлайдиганлар сони ярим миллион кишига кўпайди. АҚШда ноишлаб чиқариш соҳасига мамлакатдаги банд аҳолининг 64 фоизи тўғри келади. Айнан шундай кўрсаткичлар Буюк Британия, Швеция, Канада, Австрия ва бошқа давлатларга ҳам таллуқлидир. Тадқиқотчилар томонидан ноишлаб чиқариш соҳасида Японияда 52, ГФРда 53, Францияда 56, Швеция ва Австралияда 60, Канадада 62, Буюк Британияда 63 фоиз киши бандлиги аниқланган. Ривожланган мамлакатларда бу соҳада ўртача 22,3 фоиз киши иш билан машғул. Бу кўрсаткич Непалда 8 фоиз, Бангладешда ва Нигерияда 10 фоиз. Айрим ривожланган, хусусан, ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан анча илгарилаб кетган мамлакатлар Аргентина, Мексика, Бразилия ҳамда молиявий фаолият ва ишбилармонлик сервисининг йирик марказларига айланган, нефть экспорт қилувчи давлатлар ҳисобланган Ливия, Жазоир, Саудия Арабистонида ноишлаб чиқаришда банд кишиларнинг салмоғи юқори. Воситачилик фаолияти ва туризмга ихтисослашган мамлакатлар ҳам бор. Масалан, Багам оролларида аҳолининг 80 фоизи хизмат кўрсатиш соҳасида иш билан машғул.

Жаҳон хўжалигида юз бераётган бундай ўзгаришлар ҳар бир давлат учун аҳамиятли. Сабаби, иқтисодий ислоҳотлар билангина ҳар қандай мустақил мамлакатнинг келажаги тараққиётга юз тутади.

М.АЛИЕВ,
Тошкент молия институти ўқитувчиси.
Н.ФАЙЗУЛЛАЕВ,
талаба.

Анжуман

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университетида «Инновация — 2006» номли халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

«ИННОВАЦИЯ — 2006»

Унинг ялпи мажлисида Олий ва ўрта махсус таълим вазири ўринбосари А.Мараҳимов, Тошкент Давлат техника университети ректори Ш.Шообидов, Дастурий қўмита раиси, стратегик инновациялар ва информацизация Маркази директори О.Қодиров, Навоий конметаллургия комбинати бош муҳандиси П.Шеметов, шу комбинат Марказий бошқармасининг бош муҳандиси В.Ситенковлар иштирок этишди. Тадбир давомида Германиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси иқтисодиёт ва иқтисодий ҳамкорлик бўлими раҳбари Михаэль Хофман, Ўрол Давлат алоқа йўллари университети проректори В.Антропов ва бошқалар сўзга чиқишди.

Анжуман кунларида республикамиз вилоятлари ҳамда Россия, Германия, Италия, Қозоғистон, Қирғизистон каби давлатлар вакилларининг 200 га яқин долзарб мавзудаги маруза ва бошқа илмий-амалий ишлари муҳокама қилинди. Анжуман материаллари илмий мақолалар тўплами сифатида нашр этилди ва иштирокчиларга тарқатилди. Олимлар, саноатчилар, тадбиркорлар ва ёшлар инновацион технологик ривожланиш соҳасида фаолликни янада ошириш, тажриба ва фикр алмашиш, халқаро алоқаларни, маданий, илмий ва техник ҳамкорликни ривожлантириш, муаммоларни аниқлаш, уларнинг ечимини топиш масалаларига алоҳида эътибор қаратишди. Баҳс-мунозараларда назария-амалиёт, интеграция масалари муаммолари янада ойдинлашди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Маънавий заҳиралар

ЁЗУВ ТАРИХИГА БИР НАЗАР

Бу йил миллий давлатчилигимизнинг асосчиларидан бири, буюк саркарда, соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги мамлакатимизда кенг нишонланди. 1996 йилда ўз фаолиятини бошлаган Темурийлар тарихи давлат музейи эса 10 ёшни қаршилади. Шу муносабат билан музейда Амир Темур таваллудининг 670 йиллиги ва музейнинг 10 йиллигига бағишлаб "Ўн йилга – ўн кўргазма" рукни остида кўргазмалар ўтказилди. "Хориждаги меросимиз", "Шоҳрухия қалъа-шаҳар", "Совғалар", "Амир Темур ва Темурийлар тарихи рассомлар нигоҳида", "Табаррук дастхатлар", "Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи" каби кўргазмалар шулар жумласидандир. Ўзбекистон тарихининг маълум бир йўналишлари, даврлари ҳақида қимматли маълумотлар берувчи бу кўргазмалар Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси билан биргаликда яратилган. Улар орасида "Ўзбекистонда ёзув маданияти тарихи" номли кўргазма ўзига хос аҳамият касб этади.

Кўргазмани ташкил этишдан кўзланган мақсад дунё халқлари тараққиётида муҳим ўрин тутган ёзув тарихини кенг жамоатчиликка, айниқса, ёш авлодга етказишдир. Кўргазма кишилик жамиятининг узоқ ўтмишидан бошлаб бугунга қадар халқаро мулоқотлар қай тарзда амалга ошгани, яъни ёзув яратилиши ва уни минг йилликлар оша босиб ўтган йўли ҳақида ҳикоя қилади.

Ёзма манбалар ва археологик тадқиқотларга кўра, инсоният ёзув пайдо бўлгунга қадар жуда узоқ тарихий даврни босиб ўтган. Қадимда ибтидоий даврларданоқ ёзувнинг ўзига хос турлари мавжуд бўлган. "Мнемоника" – эслатувчи воситалар ёрдамида ёзув (бунда фикр узатилмасдан фақат эслатилган), "буюмли ёзув" – буюмга маъно бириктириб қўйиш (масалан, дарахтга камон ўқини санчиш уруш эълон қилиш дегани), "пиктография" (расм-белгилардан иборат ёзув) ҳаракатларни, воқеа-ҳодисаларни тасвирлайди. Унда инсон қайси тилда гапиришидан қатъий назар фикрини шарҳлаб бериши мумкин. "Идеограмма" — маъноси аниқ ва тасвирланиши осон бўлган сўзлар учун яратилган доимий шартли белгилар.



Ушбу тарихий маълумотлардан кўриниб турибдики, узоқ ўтмишда одамлар бир-бири билан мулоқот қилиш жараёнида турли хил воситалардан фойдаланиб келишган. Бу қадимий ёзув турларидан кўпроқ тарқалгани Самарқанд, Навоий, Бухоро, Тошкент вилоятлари тоғ тизмаларининг қошларидаги пиктографик расмлар – ўзига хос ёзувлар бўлиб, уларда ибтидоий давр одамларининг кундалик турмуш тарзи акс этган. Қоятошлардаги тасвирлар махсус тош қуроллари ёрдамида ўйиб туширилган бўлиб, энг қадимийлари тош ва бронза (бундан 8-4 минг йиллар аввал) даврларига тўғри келади.

Ёзув тарихига оид манбаларнинг шоҳидлик беришича, биринчи алифбо эрамиздан олдинги иккинчи минг йилликда финикияликлар томонидан яратилган. У 22 ҳарфдан иборат бўлиб, шакли содда, ўрганишга қулай бўлган. Мазкур алифбо Миср, Бобил, Оссурия ёзуви асосида яратилган, деган тахминлар бор. Милоддан аввалги биринчи минг йилликларнинг бошларида финикий алифбосидаги ҳарфлар шакли соддалаштирилиши натижасида оромий алифбоси юзага келган. Бу алифбо ҳам 22 ҳарфдан иборат бўлган. Милоддан аввалги V-IV асрларга келиб эса оромий ёзуви асосида алифбоси 22 ҳарфдан иборат бўлган хоразмий ёзуви шаклланган. Оромий ва хоразмий ёзуви намуналари археологик қазишмалар пайтида тош битикларда, сопол буюмларда, чарм парчаларида топилган.

Ёзувнинг пайдо бўлиши ва тараққиёти жамият ривожи, сиёсий, ҳудудий, диний ва эстетик характердаги ахборотларни қайд этиш зарурати билан боғлиқ. Ёзув пайдо бўлгач давлатлараро алоқалар кенгайган.

Ўзбек халқи аждодлари жаҳон ёзув яратувчилик жараёнининг фаол иштирокчиларидир. Уч минг йил аввал тамал тоши қўйилган ўзбек давлатчилик тарихи ёзув маданияти билан узвий боғлиқ бўлган. 2700 йил аввал илк бора "Авесто" китобат қилинган. Ўлкамизда қадимдан мавжуд хоразмий, сўғдий, бахтарий, илк туркий, қадимий туркий каби ёзувларнинг ёши 2300-2500 йил билан белгиланади.

Ашёлар орасида Сурхондарё вилоятидаги Фаёзтепа ёдгорлигидаги қазишмалардан топилган I-II асрларга оид сопол парчалари, Хоразмдаги Тупроққалъа ёдгорлигидан топилган II-III асрларга оид чармга битилган сўғд ҳужжатлари, 1268 йилда нашр этилган "Авесто" китоби ва бошқа ёзув намуналари томошабинларни қадимдаги ёзувлар билан таништиришда муҳим манба сифатида хизмат қилади. Лекин аждодларимиздан қолган ёзув намуналари бизгача жуда кам етиб келган.

Ўрта Осиёда қадимдан илм ўрганишга эҳтиёж юқори бўлган. VII асрда бу ҳудудга сафар қилган Хитой сайёҳларидан бирининг ёзишича, бу ерда ўғил болаларни беш ёшиданоқ ёзишга ва ҳисоб илмига ўргата бошлашган. VII-VIII асрларда Ўрта Осиёнинг араблар томонидан забт этилиши ва уларнинг бу ҳудудда олиб борган сиёсати ўлкада аввалда мавжуд бўлган ёзув турларининг аста-секин барҳам топишига сабаб бўлди. Бу эса XX аср бошларигача араб ёзуви ҳукмронлигига олиб келди.

Тарихий манбаларнинг шоҳидлигича, қадимги араб ёзуви — куфий ислом динидан олдин мавжуд бўлиб, такомиллашиб борган, дастлабки Қуръон нусхалари Куфа шаҳрида VII асрда ихтиро этилган куфий ёзувида битилган. Ҳозирда республикамизда сақланаётган "Усмон Қуръони" деб ном олган Қуръон нусхаси шу ёзувда битилган. Катта ҳажмдаги пергаментга битилган кўп саҳифали Қуръон суралари дастлаб Муҳаммад ибн Абдуллоҳ давридаёқ хаттотлар томонидан чарм, суяк, тош каби буюмларга ёзиб келинган. Кейинчалик биринчи халифа ҳазрати Абу Бакрнинг буйруғига асосан турли хил буюмларга битилган бу суралар тўпланиб китоб шаклига келтирилган.

Орадан қисқа муддат ўтгач, учинчи халифа ҳазрати Усмоннинг буйруғи билан бир гуруҳ билимдонлар ҳаммуаллифлигида барча суралар тартиб билан жойлаштирилиб, куфий ёзувидаги ҳозирги Қуръон шаклига келтирилган. Олимларнинг таъкидлашича, Ўрта Осиёда XI аср бошларидаёқ куфий ёзуви асосида бир қатор ёзув турлари ижод этилган. Таълимда сулс, подшо фармонларини ёзишда тавқеъ, оддий мактубларда риқоъ ёзуви ишлатилган бўлса, чиройли ёзувлар райҳоний, ҳадис каби китоблар насх, расмий ёзишмалар таълиқ, нафис китоблар настаълиқ ёзувида битилган. Кўргазмадаги X-XI асрларга оид лаганларнинг юза қисмига айлана кўринишда куфий ва насх ёзувларида ибратли гаплар битилган. "Олийҳимматлик калити илмдир", "Илм олишнинг аввали аччиқ, ниҳояси ширин-дир", — деб битилган ёзувлардан ўша даврда илм олишга бўлган эътибор ниҳоятда юқори бўлганлигини кўриш мумкин.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ёзув маданиятига давлат сиёсати даражасида эътибор берила бошланди. Унинг қадимий ва тенги йўқ дурдоналарини изчил ўрганиш бугун бу соҳадаги қадриятларимизни тиклашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Азизжон ШАРИПОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейи илмий ходими.

ЖОЗИБА НАЙРАНГЛАРИ

ёки гўзал бўлиш сирлари

«Аёллар хуснининг сирларини ёлғиз ошиқи беқарорларгина теран англамоғи мумкин», — деган эди бир пайтлар инглиз ёзувчиси Шамфор.

Умуман, ҳар бир аёл ҳаммага чиройли кўриниш орзусида яшайди. Ўзгалар диққатини жалб этиш истагида юзлари лоларанг бўлиб, кўзлари ўтдек чарақлаб туриши учун аёл қай усуллардан фойдаланмайди, дейсиз? Баъзан унинг жозибаси ортида юз бир макр, минг бир найранг яширинган бўлади! Ҳар ҳолда «эркак кўзлари билан севади» деган иборани бир дақиқа ҳам унутмайдиган аёллар ҳақида қадимги манбалар бизга кўп нарсаларни сўзлаб беради...

Пардоз-андоз тарихидан

Пардоз сирларини яхши билган афиналик қирқ ёшли Аспазия йигирма ёшли Периклга ёқиш учун бутун маҳоратини ишга солади. Махсус ёлланган одам ҳар куни унинг ажинларига балиқ сирачи ва упа суртган. Юзидаги ажинлар бутунлай йўқолиб кетган. Бўйинларига миср бўёғи, лабларига кармин суртиш эса бу аёлни мақсадига етказади. Перикл унга ошиқ бўлиб қолади.

Неча асрлардан буён гўзаллиги билан тилдан тушмай келаётган Миср маликаси Клеопатранинг пардозсиз юзи аслида беўхшов ва хунук бўлган экан. Тор пешона, қирғий бурун ва калта иякли бу хоним пардозни шу даражада қойиллатадики, натижада Антоний ақл-ҳушини йўқотар даражага етади. Клеопатранинг буйруғи билан чўрилар уни эрта тонгда сут ва асал солинган сувда чўмилтиришар, сўнгра баданини акас ва қовоқ шираси билан яхшилаб артишарди. Ажинлар ўрик мевасидан тайёрланган крем остида билинмай кетарди. Пардоз туфайли унинг териси оппоқ, лаблари нафис, томоғи таранг кўринишга эга бўлди.

Машҳур аёл Поппея уйқудан турган заҳоти ўзини ҳорғин, чарчаган ҳолда ҳис этарди, кейинчалик у кунига юзига қайнатилган жавдар ва зайтун мойи сурадиган бўлди, эрталаб эса ярим литр сут қўшилган сувда ювинарди. Ҳатто тимсоҳ тезагини энг севимли «крем»и сифатида ишлатарди, у юздаги доғларни тозаларди. Ўша пайтларда туташган ва қора қошлар урф бўлгани сабабли чумоли ҳамда чивиннинг эзилган кукунидан қошга суртиларди. Ахийри, у шунчалар гўзаллашиб кетдики, ўша даврнинг энг ўктам йигити Нерон ўз онаси ва хотинидан воз кечиб Поппеяга уйланади!

1538 йилда Диана де Пуатье қирқ ёшга тўлади. Бир куни кўзгудаги аксига боқиб, юз териси сўлғинлашаётганини кўради. Шундан сўнг ўзига кўпроқ эътибор бериш йўлларини қидириб топади. Энди у наҳорда хизматкорлар келтирган музли сувда баданини артарди, бу эса танада қон юришишини фаоллаштиришини у яхши биларди. Сўнг очиқ ҳавода узоқ айланар, яхна гўшт ва сабзавот тамадди қилишни унутмасди. Кечки пайт яна одатдагидай барвақт тўшакка ётарди. Пардоз ва овқатланиш режими қатъий бўлгани учун аёл жуда ёшариб кетади ва қирол Франсуа I нинг 19 ёшли ўғли шаҳзода Анрининг муҳаббатини қозонади.

Франциялик Пампадур хоним упани кам ишлатар, сабаби, шундоғам унинг юзи жуда тиниқ эди. Кечки пайт шакар ва тухум оқидан тайёрланган «ниқоб»ни ечиб қўярди, юзига бузоқ гўшти, асалари муми, кит ёғи ва бодринг суви қўшиб тайёрланган аралашмани сурарди. Пардозга ўтирар экан, гўзаллик ва ёшликнинг сарҳад билмас найранглари яна такрорланарди. Талъен хоним эса ҳар тонгда қулупнайли ваннада ётишни маъқул кўрарди. Бир соатлик муолажадан сўнг баданини сутга ҳўлланган сочиқда яхшилаб артарди.

Машҳур Сара Бернар эса юзига гуручдан тайёрланган упа қўйиб юрарди. Ҳақиқий косметика XIX-XX асрларда ривожланди. Аёллар бор маҳоратини, вақтини сарфлаб бўлса-да, яна ва яна гўзал бўлиш учун жамики «макр-ҳийла»ларини ишга солишга уринаверардилар. Улар учун энг муҳим истак... шунча уринишларидан кейин ўз севимли кишилари томонидан «Бунчалар гўзалсиз!» деган бир оғиз каломни эшитиш, холос!

«Аёл қулоғи билан севади», деганлариям рост, аслида.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

Муштарий илҳоми

АЙҚИРАДИ ЮГУРИК ДАРЁ

Биз тоғларга борамиз, ота,
У тоғларнинг биздан қарзи бор.
Йўлимизда мунғайиб турган
Дарахтларнинг айтар арзи бор.

Қирдан тушиб келаркан бобом
Бизни илиқ кутиб олади.
Бу дунёда йўловчилармиз,
Тоғлар эса мангу қолади.

Жаранглайди тўққиз дарадан
Абсалом чол айтган азонлар,
Юрагимни титратар ҳануз
Дарахтлардан учган хазонлар.

Йиғлаяпти силкиниб онам...
Мендан бўлак ҳеч ким билмайди.
Мингта шамни ёқиб қўйса ҳам,
Бу кўнглимни ёруғ қилмайди.

Айқиради югурик дарё,
Арзу додин тингламас тошлар.
Ёлворади ғамгин қуёшга
Ҳолдан кетиб ташна дарахтлар.

Чопиб келди ҳансираб болам,
Мени тирғиз ўлдирди у кун.
Қувибдилар бобом боғидан,
Бир сиқим тут егани учун.

Мендан тинчлик кетди ўша дам,
Бир қушчалик бўлмади болам.
«Меҳр адо бўлибди», дея
Йиғладилар бечора онам.

Бугун ўша боғлар эгасиз,
Қушлар тинглар нолаларини.
Балки тутлар тўйдирар ҳар кун
Бегонанинг болаларини.

Биз тоғларга борамиз, болам,
Тоғлар менинг қувончим, бахтим.
Энди сени ҳеч ким қувмайди,
Мева тугди эккан дарахтим.

Тош девору тош айвон нима,
Гоҳо тошдек қотди юраклар...
Бизга пешвоз чиқар олисдан
Мулла Ниёз эккан тераклар.

Ахтамқул КАРИМ.

МУРАКАМИНИ ТАҚДИРЛАШДИ

Япон насрнависи Харуки Мураками Чехиянинг адабиёт бўйича нуфузли Франц Кафка мукофотига лойиқ, деб топилди

Мукофот унга 30 сентябрь куни Прагада ўтказилган тантаналар чоғида топширилган. Ёзувчи Франц Кафка ҳайкали ва 10 минг долларлик чек билан тақдирланган.

Франц Кафка мукофотининг лауреатлари халқаро ҳайъат томонидан аниқланади. Мукофот лауреатлари орасида британиялик драматург Гарольд Пинтер ва америкалик насрнавис Филип Рот ҳам бор.

«ФОРМУЛА-1»ДА НОГИРОН ҲАЙДОВЧИ

Италиялик Алессандро Занарди ноябрнинг охирида "Формула-1" тарихидаги илк оёқсиз ҳайдовчига айланиши мумкин.

BMW Sauber жамоаси уни Валенсияда ўтказиладиган мавсумнинг якуний шоусига таклиф қилди. Ушбу жамоа Занарди учун махсус, газ ва тўхтатиш мосламалари қўлда бошқаришга мослаштирилган болидни яратиш устида иш олиб боришмоқда.

Эслатиб ўтамиз, Занарди ўз вақтининг машҳур пойгачиларидан бири саналар эди. У "Формула-1"ни 1999 йилда тарк этганди. 2001 йил Лаузитцринг автодромида авария учраган ва врачлар унинг икки оёғини ампутация қилишга мажбур бўлишган эди. Шунга қарамасдан, Занарди пойгаларга қайтишга ўзида куч ва ирода топа олди ҳамда у ҳозирги кунда WTCC сериясидаги машиналарни бошқармоқда.

ЁЗУВЧИНИ ТУНАБ КЕТИШДИ

Адабиёт йўналиши бўйича Нобель мукофоти лауреати Надин Гордимерни Йоханнесбургдаги уйида тунаб кетишган.

The Times тарқатган хабарда айтилишича, уч нафар талончи 82 ёшли аёлни калтаклашган ва омборхонага қамаб қўйишган. Бу ҳодиса ёзувчи уларга никоҳ узугини беришдан бош тортгандан сўнг юз берган. Полицияда аниқланишича, ёзувчи ҳеч қандай жароҳат олмаган, аммо унинг нақд пуллари ва тилла тақинчоқлари талончилар томонидан олиб кетилган.

Айтишларича, Гордимернинг асарларида апартеид (негрларни таъқиб қилиш)нинг инсоният учун ёт эканлиги қаламга олинган ва уларнинг барчаси қора танлилар жафокаш сифатида тасвирланган. Тақдир ҳазилини қарангки, уни тунаб кетган талончилар айнан қора танлилар экан.

УКРАИНАДА САЙЛОВ КЕЧИКТИРИЛАДИ

Украинада навбатдаги президентлик сайловлари белгиланганидек, 2009 йилда эмас, балки 2010 йилда бўлиб ўтади.

Бу ҳақда Украина парламенти депутати Юрий Ключковский хабар берган. Депутат ўз фикрини Украина Конституциясига киритилган ўзгаришлар билан асослаган.

Унинг сўзларига кўра президентлик сайлови амалдаги президентнинг қасамёд қабул қилган кунидан беш йил ўтгандан сўнг ўтказилиши шарт. Маълумки, Виктор Юшенконинг инагурация маросими 2005 йилнинг 23 январида ўтказилган эди.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

TURON BANK

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ТУРОНБАНКИ

Сизларга ПЛАСТИК КАРТОЧКА — замонавий банк хизматларидан фойдаланишни таклиф этади:

- *Туронбанк сўм пластик карточкалари — бу Сизнинг электрон ҳамёнингиздир.*
- *Туронбанк сўм пластик карточкалари эгалари республикадаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш шахобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида тўловларни амалга ошириши мумкин.*
- *Иш ҳақи, нафақа ва унга тенглаштирилган тўловларни кечиктирмай, белгиланган тартибда пластик карточка ҳисоб рақамига ўтказишингиз мумкин.*
- *Пластик карточка орқали барча тўловларни, шунингдек, нақд пулсиз коммунал хизматлар учун тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз.*
- *Туронбанк сўм пластик карточкасидаги қолдиқ суммага ойма-ой капитализация қилиш ҳисобига йиллик 14 фоиз устама даромад ҳисобланади.*

Бундан ташқари, Туронбанк корхона ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига корпоратив пластик карточкаларини таклиф этади. Бунда корхоналар ўзининг вақти ва маблағларини тежаши мумкин.

Корпоратив пластик карточкалар — бу корхонанинг универсал тўлов воситасидир.

- *Туронбанк — сўм пластик карточкангиз ва омонатингиз бўйича барча маълумотларни сир сақланишига кафолат беради.*
- *Туронбанк сўм пластик карточкасидаги ва омонатидаги маблағлар Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.*

Маълумот учун телефонлар: 144-32-32, 144-32-52.

ТУРОНБАНК СИЗ БИЛАН, СИЗ УЧУН!

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши партия Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедовга акаси

Шуҳрат ДЎСТМУҲАМЕДОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

«Миллий тикланиш» газетаси жамоаси ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси, партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси раҳбари Хуршид Дўстмуҳамедовга акаси

Шуҳрат ДЎСТМУҲАМЕДОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH — Миллий тикланиш — миллат келажаги

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1323.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00